



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Shonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 29-avgust, payshanba № 105 (3298)

Айнан Самарқанд заминида пойдевор қўйилган «Шарқ тароналари» фестивалининг ўз олдига қўйган гоё ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар авваламбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларини мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакиллари-ни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақамлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир. Ислон КАРИМОВ

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТЎҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам фестивал қатнашчилари! Қадрли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлиши Самарқанд шаҳрида, мана шу муҳташам Регистон майдонидан тўпланиб турган сиз, азиз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларини кутлашга, барча-барчангизга ўзининг самимий ҳурмат-эҳтиромини билдиришга руҳсат бергайсиз.

гўзаллик ва нафосат бахш этади, минг-минглаб санъат муҳлислари хотирасида ўчмас из қолдиради. Айнан Самарқанд заминида пойдевор қўйилган «Шарқ тароналари» фестивалининг ўз олдига қўйган гоё ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар авваламбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларини мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакиллари-ни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақамлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Бугунги мусиқа ва санъат форумида қатнашётган юксак мартабали меҳмонларимизга — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хонимга, Халқаро маданият ва санъат уюшмаси бош котиби Куо Ли Мин хонимга, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби жаноб Мун Хюнг Сукка, Осий халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси жаноб Чен Шенглайга, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сийёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси жаноб Хюнг Ван Ли ва бошқа қадрли дўстларимизга ўзининг чуқур ҳурмат ва ташаккурини изҳор этаман.

Муҳтарам фестивал қатнашчилари! Биз барчамиз сизларнинг тимсолингизда ана шундай буюк ва бебаҳо маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида безғараз хизмат қиладиган, Шарқнинг мухташам санъатини янги-янги ёш авлодларга безавол етказиб келаётган фидойи инсонларни, моҳир санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Фестивалимизда халқаро миқёсда кенг танилган машур мусиқа арбоблари — Марокашдаги «Тимитар» халқаро мусиқа фестивали раҳбари жаноб Брахим Эл Мазнед, Япон мусиқа ассоциацияси президенти жаноб Кавасае Тада-сукэ, шунингдек, Афғонистон ахборот ва маданият вазирини жаноб доктор Саид Маҳдум Раҳин, Куала-Лумпур шаҳри мэри жаноб Датук Ахмад Фейсал Талиб қатнашадигани бизнинг анжуманимизга алоҳида эътироф ва нуфуз бағишлайди.

Шу маънода, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдишларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқийс кучи ва таъсирини намойён этишда «Шарқ тароналари» каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қийинлаш қийин, деса-ам, ҳақиқатини айтган бўламан.

Халқаро фестивалимизда яна бир ҳурматли меҳмонимиз — Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг аъзоси, таникли сийёсатчи жаноб Жеймс Патрик Мораннинг иштирок этаётгани барчамизга катта мамнуният етказди.

Айни мана шундай олижаноб қасадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакиллари азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиламиз, сизга қилган истезъод ва талант олдига таъзим қиламиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун мусиқа байрамимизда ҳозир бўлган хоржий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакиллари кутлашни истардим.

Зиз фестивал иштирокчилари! Тобора улкан обрў ва эътибор топиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжуманини юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик қўриш ва керакли имкониятларни туғдириш албатта ташкилотчилардан, аввало Самарқанд ахлидан катта масъулият талаб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун биз жаҳоннинг 52 та давлатидан келган сиз, азиз меҳмонларимизнинг шарқона эҳтироми билан «Хуш келибсиз азиз Самарқанд заминига, хуш келибсиз меҳмондўст Ўзбекистонимизга!» деб кутиб оламиз. Хурматли дўстлар! Бугун биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивални ўтказар эканмиз, мазкур анжумани дунёнинг энг кўхна шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган қароримиз нақадар тўри бўлганига тақрор ва тақрор ишонч ҳосил қиламиз.


Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шундай тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатган, ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб фазилатлари билан дунёда ном қозонган Самарқанд ахлига барчангизнинг номингиздан, шаҳсан ўз номиндан самимий миннатдорлик билдиришни ўзининг бурчим деб биламан.

Асрлар давомида умумбашарий маданият ва цивилизация марказларидан бири бўлиб келаётган, афсонавий Шарқ тимсоли, ўзининг етти икклимга машур меъморий обидалари, буюк салоҳияти, гўзал ва сўлим табияти билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этадиган бу тарихий шаҳар энг юксак халқаро анжуманларни ўзидан қабул қилишга ҳар томонлама муносибдир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу азим шаҳарда туғилиб ўсган, вояга етган инсон сифатида мен учун доимо азиз ва қадрдон бўлган Самарқанд халқига, кексаю ёш барча ҳурматли ҳамюртларимга фарзандлик меҳрим ва садоқатимни яна бир бор изҳор этиш менга чексиз хурсандчилик ва баланд руҳ бағишлайди.

Бундай улугвор ва табарруқ шаҳарнинг юраги бўлиши, Регистон деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу муҳташам саҳна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор

Азиз юртдошларим! Муҳтарам меҳмонлар! Барчангизни бағримга босиб, бугунги гўзал байрам билан — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор табриклайман. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, анжуман ишига муваффақият тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.



Санъат ва дўстлик фестивали

Самарқанд шаҳрида 27 август куни «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди

Мусиқа — инсониятнинг буюк кашфиёти, кўшиқ ўзига хос маънавий мулоқот воситасидир. Ўз вақтида таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар, тасаввур ва кечинмалар куй-қўшиқларда ўз ифодасини топади. Диллардан дилларга, эллардан элларга кўчади. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустақамлаш, мусиқа ва кўшиқ орқали одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. 1997 йилдан бундан буён икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур анжуман дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аънавларини ривожлантириш, унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Юртимизда мусиқа санъати одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. 1997 йилдан бундан буён икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур анжуман дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аънавларини ривожлантириш, унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Юртимизда мусиқа санъати одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. 1997 йилдан бундан буён икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур анжуман дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аънавларини ривожлантириш, унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

лиги, ритм ўлчовлари ва турларини чуқур ўрганган. Рубоб, танбур, ногора, уд, қонун, най каби чолғу асбобларида куй чалиш қоидаларини турли жадваллар, геометрик чизмалар орқали шарҳлаб берган. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида юрак, асаб касалликларини мусиқа воситасида даволаш яхши самара беришини таъкидлаган. Бугунги кунда бутун дунёда кенг қўлланилаётган «мусиқа терапияси» услуби ана шу қоидаларга асосланади. (Давоми 6-саҳифада).

Акция

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан Касаба уюшмалари Федерацияси Ешлар кенгаши ташаббуси ҳамда мустақиллигимизнинг йилги байрами муносабати билан ҳудудларда «Саховат ва Мурувват уйлари — Ёшлар эътиборида» акцияси ўтказилди.

«Саховат» ва «Мурувват» уйлари — ёшлар эътиборида

Акция доирасида ҳудудларда 30 нафардан иборат ёшлар гуруҳлари (жами 420 нафар) шакллантирилиб, ҳар бир ҳудуддан биттадан «Саховат» ва «Мурувват» уйлари фаоллари томонидан ободонлаштирилди. Акция доирасида 2155 нафар қария, ногирон ҳамда ёлғизлар ҳолидан хабар олинди. (Давоми 3-саҳифада).

Аънавий ярмарка

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйини муносиб нишонлашга бағишланган тадбирлар давом этмоқда. Андижон шаҳрида «Она замин саховати» аънавий ярмаркаси иш бошлади. Сотувдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турининг кўплиги, сифати ва арзонлиги аҳолига қулайлик яратаяпти. Ўз муҳбиримиз

Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

Авваллари Сирдарё вилояти деганда, кўз ўнгимизда қақроқ чўл намойён бўларди. Аммо воҳанинг бугунги манзараси тамоман ўзгача бўлиб, республикада муҳим ўрин тутувчи, аҳолиси фаровон турмуш кечирувчи ҳудудга айланган. Чўл ўрнини кўркам шаҳару обод қишлоқлар эгаллаган. Бунинг ҳудудда қад ростлаган муҳташам бинолар, спорт иншоотлари, кўркам турар жойлардан ҳам бисса бўлади.

Эл корига яраш бахти

Бу ўзгаришларда воҳа аҳлининг машаққатли ва фидокорона меҳнати муҳасам. Бунда меҳнатқилларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатаётган касаба уюшмаларининг ҳам муносиб улуши бор. Яқинда Президентимиз Ислон Каримов амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида вилоятга ташриф буюрганида, Сирдарёнинг иқтисодий имкониятлари анча юксалганини эътироф этади. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорада ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 9,5 фоизни ташкил этгани мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, ҳар бир вилоятнинг иқтисодий салоҳияти саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, экспорт учун тайёрланаётган товарлар тури, тадбиркорликнинг қай йўналишларида ривожланаётганига бевосита боғлиқ. Бугун Сирдарёда ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Биргина Сирдарё иссиқлик электр станцияси (ГРЭС) етказиб бераётган электр энергияси республикада ишлаб чиқарилаётган қувватнинг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. «Гулистон ёғ экстракция» АК тўла ишга тушган. «Оқолтин дон» ва «Ховос дон» ҳиссадорлик жамиятлари каби йирик корхоналар тўла қувват билан ишламоқда. Ҳўрижй инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолияти ҳам намунали. «Пенг Шенг» қўшма корхонаси сопол (керамик) кафеллар, «Темур медреса», «Река

медфарм» корхоналарининг тиббиёт воситалари, «JMP INTERNATIONAL» қўшма корхонасининг меза шараблари, «Саруна текстил», «Мили Гулистон текстил» қўшма корхоналарининг ип газламалари, «Мос Янтекс», «Шипа текс», «Хабиб текс», «Гул рантекс», «Нафис либос» корхоналарининг тириқотаж маҳсулотлари шулар жумласидан.

Сирдарё вилояти

Кейинги йилларда вилоятда тадбиркорликка кенг йўл очилгани кўнгинга соҳалардаги муаммоларнинг бартараф этилишига кўмак бермоқда. Жумладан, қурилиш моллари ишлаб чиқарадиган қатор корхоналар ишга туширилди. Бу эса сирдарёликларнинг уй-жой қуришга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлади. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби мазкур вилоятда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Пировардида қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. 2009-2012 йилларда вилоятда намунавий этилишга асосида 965 та замонавий турар жой барпо этилди. Улар табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Равон йўллар кўзни қувватлади.

— Жорий йил вилоятнинг 8 та туманида намунавий лойиҳа асосида 430 та уй-жой қурилиши белгиланган, — дейди «Қишлоққурилиш» инвестициянинг компаниясининг вилоят филиали директори Нургуллат Ишимова. — Бу жойларда бунёдкорлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Янги уйлари шу йилнинг октябр ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш мақсадида.

(Давоми 4-саҳифада).

Маҳалла раисларига компютер

Тошкент шаҳридаги Юнусобод туманида 58 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, Ватанамиз Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан барча маҳалла раисларига энг сўнгги русумдаги компютер тўпламлари топширилди.

— Янги компютер жамланмалари айнан маҳалла фуқаролари раисларига берилишидан мақсад, маҳалла раисларининг фаолият юритишларида кўмаклашиш ва уларнинг иш унумдорликларини оширишга қаратилгандир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлими раиси Жўрақўзи Исоқов. — Ушбу компютерлар умумий бир тизимга, яъни локал сетга уланди ва улар билан туман миқёсида узвий боғланиш йўлга қўйилди. Маълумотлар олиш ва бериш, ҳисоботларни юбориш, вазифаларни белгилаб олиш ишлари тўғрисида тўғри компютерлар орқали амалга оширилади. Бунинг натижасида, ортиқча қозғозликка чек қўйилди ва қимматли вақт тежалди.

Адхам ДАМИНОВ

«Шарқ тароналари — 2013»



«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ мусиқа аънаналари замонавий маданият тизимида» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Шарқ мусиқа аънаналари — олимлар нигоҳида

ЮНЕСКО Бош директори И.Бокова, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳожиматов ва бошқалар Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари миллий мусиқа санъати тарихи, аънаналари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Тадбир доирасидаги халқаро конференциялар ҳам ушбу мақсадга хизмат қилиб, санъатшунос олимларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имконият яратмоқда.

Конференцияда Германия, Норвегия, Россия, Канада, Хиндистон, Япония, Корея Республикаси, Миср, Туркманистон каби мамлакатлардан таниқли мусиқашунос ва тарихчи олимлар, санъаткорлар маърузалар билан иштирок этди.

— Бастакор ва мусиқашунос сифатида венгер халқининг миллий қўшиқ ва оҳанглари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бораман, — дейди венгрлик мутахассис Шандор Сабо. — Иланишларим давомида Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё мусиқа маданияти тарихи ва аънаналарини ҳам ўргандим. Мақомлар билан танишиш жа-

раёнида венгер халқининг қадимий қўшиқларида уларнинг айрим элементлари мавжудлигини аниқладим. Анжуманда айнан шу мавзуда маъруза қилиб, бошқаларнинг фикрлари билан қизиқдим. Шарқ халқлари мусиқа мероси гоёт бой ва серкира эканига амин бўлдим.

Конференцияда Шарқ мусиқа санъати тарихига оид кенг қўламли умумий назарий масалалар билан бир қаторда, мустақиллик йилларида ёрқин намоён бўлган Ўзбекистон мусиқа санъатининг ривожланиш йўналишлари, қадимги ва замонавий мусиқа маданиятини уйғунлаштириш масалалари ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек мусиқаси буюк олимлар ва уларнинг хоржий ҳамкасблари томонидан бутунжаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида ривожланиш босқичларини бошидан кечирётгани, ўзининг ноёб ва бетакор тарихига эга бўлган санъат намунаси экани кайд этилди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Иқромов сўзга чиқди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

2013 йил — Обод турмуш йили

Ҳовли тўйлари

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига юртимизнинг барча ҳудудларида қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани қишлоқларида ҳам ободчилик ишлари олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича туманда 2010-2012 йилларда намунавий лойиҳа асосида 110 та уй-жой фойдаланишга топширилди. «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган 45 та уй, қуни-кеча яна 30 та турар жой биноларининг қалитлари ўз эгаларига топширилди.

— Икки-уч йил олдин бу ерлар хароба эди. Собик автокорхона ҳудудини қамиш босиб, қаровсизликдан бир ҳолга келганди. Қиска муддатда кўрimsиз жойлар замонавий шаҳарчага айланди. Янги уйимиз шундоқ катта йўлнинг бўйида, табиий газ, электр, ичимлик суви билан таъминланган. Уйларнинг қурилиш сифати ва замонавийлигига гап йўқ. Биз каби ёш оилалар учун бундан ортиқ имконият, ғамхўрлик бўлмайдди. Бунинг учун Президентимиздан, ҳукуматимиздан миннатдоримиз, — дейди янги уйлардан бирига эга бўлган Мавлуда Алимназарова.

Намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган янги кўрғонларда ҳар қуни

ҳовли тўйлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу биноларнинг яна бир афзаллик томони шундаки, бу ерда ўзига хос замонавий инфратузилма бунёд этилган.

— Қурилишда имкон қадар ўзимиздан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланишга ҳаракат қилаймиз. Масалан, 4 та ғишт заводи миқдори 1 млн. 845 минг дона сифатли ғиштни ўз вақтида етказиб берди. Бунда «Сурхонғишт», «Музработ ғишт» МЧЖлари бошқаларга ўрнақ бўлиши. «Музработ ҚМИЧ» МЧЖ жамоаси буюртма асосида бино томларини ёпиш учун мўлжалланган турли ҳажмдаги 990 дона плиталарни тайёрлаб берди. Туманда бундай лойиҳалар давом эттирилиб, жорий йилда яна 45 та шундай уй қурилиши режалаштирилган. Ҳозирда ноқудратчи ташкилотлар бунёдкорлик ишларини жадал бошлаб юборишган, — дейди туман ҳокими Азамат Ҳўжамкулов.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Мамлакатимизнинг тобора раванқ топиб бораётганига Музработ тумани мисолида яна бир бор амин бўлдик.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Ҳаёт фалсафаси

Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар қуни қилиши керак», деган пурмаба но сўзлари касабано уюшма фаолларига қарата айтилгандек. Касабано уюшма етакчиси бўлганимдан сўнг англаган энг катта ҳақиқатим шу бўлди: одамларга яхшилик қилишдан улкан бахт йўқ экан.


Топганинг ҳалолнинг бўлсин

Муассасамизда 28 нафар ходим меҳнат қилади. Олтин гуруҳдаги 95 нафар болажоннинг тарбияси йўлида тиним билмаймиз.

Бир жамоада ишлаш ҳамкасбларни яқин қилиб юбораркан. Ташвишимиз ҳам, қувончимиз ҳам ўртада. Касабано уюшмаси томонидан 50 ёшни қаршилаган жамоадоримиз Манзура Ғойипованинг юбилейини нишонлаш, шу орқали уларнинг оиласига қувонч улашиш фикри олға сурилди. Опанинг ҳолисиди тадбир ташкил этдик. Ҳокисор жамоадоримиз бир неча йилдан бери қирчи вазифасида ишлаб, ҳалол меҳнати билан уч нафар қизни тарбиялаб келмоқда. У жисмоний имконияти чекланган қизининг ҳаётга қизиқшини кучайтириш учун ҳам елиб-югуришга вақт топади. Турмушнинг синовларига қарамай, ҳаммиса ҳалол, виждонли, шу ҳислатлари орқали кўпчиликка ибрат бўлиб келаётган опанинг юбилей кечасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касабано уюшмаси туман кенгаши томонидан унга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Байрамдан қайтарканмиз, ҳаммамизнинг қалбимиз ҳаяжонга тўлди: чунки яна бир кун савоб амал билан ниҳоясига етди.

Гулчехра МАМАТҚУЛОВА, Норин туманидаги 7-МТМ касабано уюшма кўмитаси раиси



Сифатли ва арзон

Шахрихон туманидаги «Эргашзода» хусусий корхонаси замонавий дизайндаги, сифатли, нархи нисбатан арзон меbel маҳсулотлари тақдим этмоқда. «Хамкорбанк» кўмагида замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланиб, ишлаб чиқаришда самарали натижаларга эришадиган корхонада ўндан зиёд ишчининг бандлиги таъминланган. Бу ерда ёшларни меbelсозликка ўргатиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

Суратда: корхона ишчиси Шукрулла Эрқинов.

Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА) олган сурат

Эъзоз

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабано уюшмаси Хатирчи туман кенгаши томонидан «Обод турмуш йили» дастурига кўра «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон!» шiori остида «Мустақиллик — буюк неъмат» тадбири ўтказилди.

Эҳтиром

Унда тармоқ касабано уюшма Кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотларда ишлаб, ҳозирги кунда пенсияда бўлган меҳнат фахрийлари ва фаол ишчи-ҳодимларга касабано уюшмасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Меҳнат фахрийлари, ишчи-ҳодимлар юртимиздаги тарихий ўзгаришлар мустақиллик шарофатидан эканлигиндан мамнуният изҳор этишди.

Х. ҚўЧКОВОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабано уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси

Ўқув-семинар

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Навоий филиалида «Ёнгин хавфсизлиги профилактикаси ишларини такомиллаштириш» мавзусида назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Машғулот талаб даражасида

Семинарни филиал директори У.Исмоилов кириш сўзи билан очиб, ўтказилаётган ушбу кўргазмали ўқув-семинарнинг аҳамияти ва мазмуни тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Ўқув-семинарда ёнгин хавфсизлигига оид плакатлардан фойдаланган ҳолда, бирламчи ёнгин ўчирувчи воситалар ҳамда уларни қўллаш, ёнгин содир бўлганда одамларни ва товар моддий бойликларни эвакуация қилиш, бунда тегишли қоидаларга амал қилиш атрофида тушунтирилди.

Шунингдек, автокорхонада ҳайдовчилар учун соғлом ва хавфхатарсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича тавсиялар берилди.

Муҳаббат НОРҚУЛОВА, «Ўзбектелеком» АК Навоий филиали касабано уюшма кўмитаси раиси

Бор бўл, оқибат!

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, ташкилот ва муассасаларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiorини асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган қатор маданий-маърифий, хайр-саховат тадбирлари ўтказилаётир.

Кўнгиладан кўнгиладан сув ичар

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Қирсадоқ» маҳалласида «Мустақил Ўзбекистон — менинг таянчим ва ифтихорим» мавзусида ўтказилган байрам тадбирида халқимизга хос бағрикенглик, эҳтиёрлик, жаманларга кўмак беришдек эзгу қадриятлар намоён бўлди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган мислсиз ютуқлар, амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, Ватанамизнинг қудрати ва салохияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётганини, шунингдек, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимиз, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, мустақилликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш бугуннинг асосий вазифасига айланганини таъкидлаб ўтишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабано уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Г.Тохтаева, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Янгийўл туман бўлими раҳбари Э.Йўлчиев, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Ю.Эшонов ва йиғилганларни энг улуғ, энг азиз бўлган Мустақиллик байрами билан самимий кутлади.

Шундан сўнг маҳалладаги кам таъминланган 11та оиллага Марказий кенгашнинг байрам совғалари топширилиб, тўшака михланаиб қолган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.

Бадий ҳаваскорлик ва фольклор жамоаларининг дилрабо куй-қўшиқ ва рақслари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Байрам тадбирида Ўзбекистон касабано уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев иштирок этди.

Гўзал НОРҚАЕВА, «Ishonch» мухбири



Мустақиллик байрами ва Билимлар куни арафасида Яқкабоғ туманида педагогларнинг аънанавий август кенгаши бўлиб ўтди.

Касбга садоқат

Анжуманда туманда таълим сифатини янада яхшилашга ўзининг бемисл ҳиссасини қўшган фахрийларга, шоғирдлари фан олимпиадалари ва Билимлар беллашуви ҳамда турли спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган педагог ҳамда мураббийларга таълим, фан ва маданият ходимлари туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, эндигина ўқитувчилик фаолиятини бошлаётган ёш мутахассислар касбга садоқат тўғрисида қасамёд қилишди.

— Туман кенгаши томонидан ҳар бир бошланғич касабано уюшма ташкилотига «Бошланғич касабано уюшма ташкилотлари етакчиларининг хизмат фаолиятини фойдаланишлари учун услубий қўланма» берилди, — деди тармоқ касабано уюшмаси Яқкабоғ туман кенгаши раиси Алишер Хонназаров. — 20 та намунали бошланғич ташкилотга «Касабано уюшма ҳаёти» кўргазмали стендлари тарқатилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Бандлик

Янги лойиҳаларни амалга ошириш, мавжуд корхоналар қувватидан унумли фойдаланиш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини тизимли ташкил этиш Бандлик дастури ижросини таъминлашда муҳим омилдир. Бу борадаги ишларни назорат этиш мониторинг гуруҳлари билан бирга депутатлар зиммасига ҳам юклатилган.

Истиқболли лойиҳалар

Жумладан, Жиззах туманида «Обод турмуш йили»да 181 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида 1485 та янги иш ўрни вужудга келади.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда санот бўйича 15 та лойиҳа ижроси таъминланди. Хусусан, «Моҳинур қурилиш-таъмир», «Санзор-агротех» масъулияти чекланган жамиятларида энгил санот йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 60 та янги иш ўрни ташкил этилди.

«Жиззахчорвабарака» фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 8 нафар киши муҳим иш жойига эга бўлди. Бунинг учун 170 миллион сўм сарфланди.

Туманда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 10 та лойиҳа бажарилиб, уларга 532,4 миллион сўм ишлатилди. Унинг 314,6 миллион сўми банк кредитларидир.

«Жиззахқумирсавдо», «Пвотқурилишсавдо», «Жиззах голд силвер» «Партёр», «Мок прогресс» МЧЖлари, «Эверест марвариди», «Қамолдиндин Олимжон» хусусий фирмалари, «Бехзод» фермер хўжалиғи қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган жамоалар сирасига киради. Уларда цемент қоршамали ғишт, эшик

ромлари, йўлак қопламалар сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 60 кишининг бандлиги таъминланди.

Жорий йил туманда қишлоқ хўжалиғи бўйича 40 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 11 та лойиҳа ижроси таъминланди. Чорвачиликка ихтисослаштирилган 3 та, паррандачиликка йўналтирилган 1 та, балкичиликка мўлжалланган 4 та лойиҳа ишга тушди.

Шу ўринда «Жаббор», «Норкул ота», «Мурод Назирович» фермер хўжалиқларининг чорвачилик йўналишида амалга ошираётган ишлари ҳақида алоҳида сўз юритиш лозим. Уларнинг ўз маблағи, банк кредити ҳисобига 245 бош насли моллар олиб келиниб, қўшимча 22 та иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида туманда яна 13 та корхона ишга туширилиши режалаштирилган.

Ғайрат САЙДИЕВ, Ўзбекистон Савдо-санот палатаси Жиззах вилоят бошқармасининг бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Таъкидлаш жоизки, ушбу «Саховат» интернат уйи 1986 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирда 110 нафар ёлғиз қария ва ногирон истиқомат қилмоқда. 2011 йилдан бошлаб мазкур муассасага раҳбарлик қилаётган тажрибали мутахассис Рўзиқул Хўжаевнинг ташкилотчилиги сабаб бу ерда қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 300 метр қувур тортилиб,

Ҳамза Рўзиев бошчилигидаги бир гуруҳ фаол ёшлар Қорақул тумани сари йўл олдилар.

«Мурувват» ногиронлар учун эркаклар интернат-уйида хайрия ҳашари ўтказилди. Интернат-уйи ҳудуди тозаланди, экинларга ишлов берилди, гуллар парвариши қилинди, дарахтлар оқланди. Тумандаги ҳомий ташкилотлар томонидан «Мурувват» уйида истиқомат қилувчилар учун тўкин байрам дастурхо-

чли бўлди. Бирор тадбир йўқки, касаба уюшмалари иштирокисиз ўтса. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларининг ногиронларга кўрсатаётган ғам-ўрлиги, ходимларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги хайрли ишлари таҳсинга сазовордир. Ёшлар кенгашининг ташрифи ҳам интернат аёлларига чинакам байрам кайфиятини улашди, — дейди «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйи директори Улуғбек Абдурахмонов.

19 йилдан буён шу муассасада навбатчи фаррош бўлиб меҳнат қилаётган Махфизат Карамова эътибордан миннатдор. У 2007 йилда «Шўрат» медали билан мукофотланган.

— Беморларимиз кўнглини ололсақ, касбимиз қийинчилиги ҳам сезилмайди. Мукофот эса шу оддий меҳнатнинг баҳоланиши бўлди. Муҳими, меҳнат қилиш учун шароит, муносиб эътибор бор. Бунда иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотининг ўрни алоҳида. Умуман олганда, хотиржамлик, меҳнат завки — мустақиллик неъматидир. ***

Акция Тошкент шаҳрида ҳам кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Умуман олганда, байрамлар арафасида нурун отахонлар оиладан хабар олиш, совға-

тишни ўз ҳаракат дастурини ифода этиб келаётган Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг фаолияти барчага ибратлидир.

Жумладан, 30 нафар ёш касаба уюшма фаоллари Сарийосиё туманидаги «Фарҳод» мурувват уйи ҳудудида ободонлаштириш ва тозалаш ишларини амалга оширди. Улар мурувват уйи атрофидаги дарахтларга шакл бериб, оқлашди. Гулларни суғориб, ариқларни тозалашди.

— Мурувват уйига ташриф буюрган касаба уюшма фаоллари акция доирасидаги тадбирда иштирок этиб, бу ерда истиқомат қилаётган 175 нафар ногиронли Мустақиллик байрами билан қутлашди. Мурувват уйи ногиронларига телевизор совға қилинди. Касаба уюшмаларининг бундай саховатидан бошимиз кўкка етди, — дейди «Фарҳод» мурувват уйи касаба уюшмаси кўмитаси раиси Б.Аҳмонов. ***

Акция Тошкент шаҳрида ҳам кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Умуман олганда, байрамлар арафасида нурун отахонлар оиладан хабар олиш, совға-

— Истиқлол йилларида касаба уюшмаларининг мавқеи ва обрў-эътибори ортиб бораётган. Айниқса, турли акциялар уюштирилиб, ижтимоий ҳимоятлабларга меҳр-мурувват, хайр-эхсон кўрсатилаётгани эътиборга лойиқ. Биз ҳам 171 кишилик меҳнат жамоамиз билан шундай саховатпешаликнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу кунги ёшлар гуруҳининг ўттиз нафар аъзоси кенг қўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларини амалга оширди. Бу ерда яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, улар маънавий қўллаб-қувватланди.

— Касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши гуруҳининг бир аъзоси сифатида мазкур тадбирда иштирок этиш менга завқ бағишлаш баробарида, алоҳида маъсулият юклатди, — дейди Жиззах компютер технологиялари коллежи талабаси Дилёра Қудратова. — Саховатпешаликдек буюқ қадриятларимизнинг намоян бўлишида касаба уюшмаларининг қўшаётган ҳиссаси таҳсинга лойиқ. ***

Новий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бир-

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига

Икки йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг меҳнаткашлар манфаатлари йўлидаги фаоллигини янада ошириш, намунали иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Ҳудудларда байрам шукӯҳи

Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида мазкур кўрик-танловнинг худудий босқичлари бўлиб ўтаётган. Қашқадарё вилоятида ҳам мазкур танловни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма кўмиталари қамраб олинган танловнинг биринчи босқичида 3 мингга яқин бошланғич касаба уюшма кўмиталари иштирок этди. Танловда айниқса, фермер хўжалиқлари, нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма кўмиталарини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Танловнинг худудий босқичи якунига бағишланган тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутасаддилари, вилоят касаба уюшма фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Касаба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оқсатириш, бугунги кунда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари олдида қўйилган талабларни тўлақонли бажариш, галдаги вазифалар ижроси юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Фаолиятини намунали олиб бораётган бошланғич ташкилотлар иш тажрибасига оид кўргазмалар ташкил этилди. Илғор касбақўмлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида улар томонидан тақдиротлар ўтказилди. Шунингдек, танловда фаол иштирок этган касаба уюшма кўмиталари «Энг чиройли кўргазма ташкил этган бошланғич ташкилот», «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинациялари бўйича рағбатлантирилди.

Кўрик-танлов ғолиблари I, II ва III даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. ***

Кўрик-танлов вилоят меҳнаткашлари учун ташкил этилган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирга уланиб кетди. Унда давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритилиши аҳолининг ижтимоий ҳимоятлаб қатлами манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар вакиллари, 10 нафар хотин-қизга уй юмушларини энгиллаштириш мақсадида маиший техника жиҳозлари, кир ювиш машиналари топширилди. Хизмат бурчини бажариш чоғида вафот этган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатилди.

Иштирокчилар бугунги дорилмомон кунларга шукроналик келтириб, мамлакатимизда давлатимиз томонидан ҳар бир соҳада яратилаётган кенг имкониятлар учун миннатдорлик туйғуларини билдирдилар. ***

Худди шу кунги Нишон туманидаги Нуробод қўрғонида жойлашган ҳарбий горнизонда хизмат қилаётган Ватан посбонлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Республикаимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонимизнинг ўз миллий армиясини яратиб ва такомиллаштиришга жиддий киришилганлиги алоҳида таъкидланди. Тарихан қисқа даврга икчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида шаклланиши эътироф этилди. Ватанимиз сарҳадларида кеча-кундуз зийраклик билан турган мард ва жасур посбонларимиз юртимиз мустақиллигини, эл-юрт оёқ-иштигини кўз қорачиқдек асраб-авайлаб келаётгани барчанг калбига ифтихор бахш этиши қайд этилди.

Шунингдек, тадбир ташкилотчилари инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари ҳақида сўз юритдилар.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда ҳарбий қисмларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан компютер жамланмалари топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати



«Саховат» ва «Мурувват» уйлари — ёшлар эътиборида

юқори босимли табиий газ келтирилди. Ошхона, чойхона, озиқ-овқат захираси учун омборхона капитал таъмирланди. Масканинг уч гектарга тенг майдонида бўш ёрни кўрмайсиз. Бог ва деҳқончилик экинлари экилган. Икки сотих ерга иссиқхона ташкил этилган.

Акция доирасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан «Саховат» интернат-уйига телевизор совға қилинди. Шундан сўнг байрам дастурхони тўзалиб, тадбирнинг маданий қисми бошланди. Онахон ва отахонлар ҳамда касаба уюшма ёшлари дилдан сўхбат қуришди, дилбар куй-қўшиқлар дилларга байрам шукӯҳини берди.

— Бугунги тадбирдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — деди биз билан сўхбатда интернат уйида истиқомат қилувчи Бобокўл Ризаев. — Бу ерда барча шароит бор, ходимлар меҳрибон. Ҳамширалар Гулсара Каримова, Озода Рўзиева, Зиёда Аллаёрова, Шохиста Шералиева, кичик тиббиёт ходимлари Озода Мейлиева, Дилдора Оролова каби меҳридарё ходимлар бизга туну кун парвона.

— Ҳар бир байрамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси муассасамизга ҳомийлик ёрдами кўрсатади. Бугунги тадбир ҳам ажойиб ўтди. Ёшларнинг ташрифи-дан хурсандимиз. Ташкилотчиларга катта раҳмат, — деди Орзиқул Хўжаев мамнулигини изҳор қилар экан. ***

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан ҳам акция уюшқоқлик билан ташкил этилди. Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида ташкил этилган акцияда ёлғиз кексалар, меҳра муҳтож қариялар ҳамда ногиронларга манзилли ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турмуш юмушларида кўмаклашишда ёшлар фаоллиги яққол кўзга ташланмоқда.

Улар томонидан «Саховат» уйи ҳудудини ободонлаштириш, кўламазорлаштириш юмушлари адо этилди. Тадбир доирасида дилдан сўхбат қурилди ҳамда вилоят маданият ходимлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

— Ёшлардаги меҳр-оқибатдан беҳад рухландик, — дейди «Саховат» уйида истиқомат қилаётган Ходи бобо Ибрагимов. — Бизни эъзолаётган ёш авлод юртимизнинг ҳақиқий эгалари бўлишига тилакдошимиз. ***

Ўтган шанба кун эрталаб Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгашининг раиси



ни ёзилиб, миллий таом — ош тортилди. Ёшлар гуруҳи касб-ҳунарига қўлағида бўлишиди. Юракдан изҳор этилган қўл-ва дил сўзлари, туман маданият уйи хаваскорлари томонидан ижро этилган дилрабо куй ҳамда қўшиқлар даврага ўзгача шукӯҳ бахш этди.

— Жамоамизда 300 нафар васийликка олинганлари таъминлаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишига кўмаклашиш ҳамда ҳуқуқимиз эътиборида, — дейди «Мурувват» интернат-уйи директори Баҳриддин Тешаев. — Боз устига, саховатпеша ҳомийларимиз сафи ҳам анчайин кенг. Бугун жамоамизга хуш кайфият бахш этган касаба уюшма ташкилотлари ёшларининг ташаббуси ва амалий кўмагини беҳад миннатдоримиз. Шунингдек, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухоропахтасаноат» худудий бирлашмаси, «Бухоро энергомарказ» корхоналари, «Доктор Норқул Хусен» МЧЖ каби қатор жамоалар раҳбар-ҳодимларига ҳам ғамхўрлик ва эътибор учун ташаккур айтамыз. ***

Истиқлолимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши қатор хайрли тадбирлар ташаббускори бўлмоқда. Жумладан, 30 нафар ёшдан таркиб топган гуруҳ акция доирасида Сирдарё тумани «Мурувват» ногирон аёллар учун интернат уйида яшовчи ногирон ҳамда ёлғизларнинг ҳолидан хабар олиб, уларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш ва худудини ободонлаштириш ишларида иштирок этди. Ҳозирда бу ерда 180 га яқин аёл истиқомат қилади.

— Касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши вакиллари ташрифи, уларнинг худуддаги ободонликка кўмаклашуви, байрам тантанасининг ташкил этилиши нафақат беморларимиз, ишчи-ҳодимларимиз учун ҳам ниҳоятда қувонч-

Тошкент вилоятидаги Охангарон кекса ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйи эрталабдан гавжум бўлди. Бу ерда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган 30 нафардан иборат ёшлар гуруҳи интернат уйи боғида хашар ўтказди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ариқлар тозаланди.

— Бу ерда айни вақтда 181 нафар қария ҳамда ёлғизлар, худудини ободонлаштиришда муносиб ҳисса қўшди. Қарияларни байрам билан табриклаб, улар учун концерт дастури намойиш этилди. Қайд этиш жоизки, пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган пансионатда 140 нафар уруш ва меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Бирлашма томонидан мазкур пансионатда яшовчиларга байрамлар арафасида совғалар топширилиб, табриклар келинади. Бундай эътибор кексаларимизни гоётада мамнун қилаётган. ***

Фаргона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан ўтказилаётган бугунги акция ҳам қарияларимизнинг руҳини кўтарди. Ёшлар кенгаши томонидан 181 нафар қарияга турли совға-саломлар берилди. Байрамона безатилган кенг залда куй ва қўшиқлар янгради.

— Касаба уюшма ташкилотлари ҳамма вақт кўнглимизни кўтарадиган тадбирлар уюштириб келган, — дейди 70 ёшни қоралаган Алибува Қосимов. — Бугунги тадбирни ўтказишда қатнашган барча ўғил-қизларимизга раҳмат дейман.

Шу кунги ёш хаваскор шоирлар — Охангарон шаҳридаги 52-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Хулқар Исимова ҳамда Охангарон туманидаги саноат-қурилиш коллежининг 1-босқич талабаси Озода Жумаева Ватан, она ва устозлар ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқиди. ***

Ота-боболаримиздан мерос меҳру оқибат, ёрдамга муҳтожларга мурувват кўрса-

лар ҳада этиб, айём билан қўллаш, бир сўз билан айтганда, уларнинг кўнглини кўтариш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида яхши анъаналарга айланиб бораётган. Жумладан, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши ташаббуси билан 30 нафардан иборат ёшлар гуруҳи шаҳардаги республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига хашар уюштириб, худудини ободонлаштиришда муносиб ҳисса қўшди. Қарияларни байрам билан табриклаб, улар учун концерт дастури намойиш этилди.

Қайд этиш жоизки, пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган пансионатда 140 нафар уруш ва меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Бирлашма томонидан мазкур пансионатда яшовчиларга байрамлар арафасида совғалар топширилиб, табриклар келинади. Бундай эътибор кексаларимизни гоётада мамнун қилаётган. ***

Фаргона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши томонидан ўтказилаётган бугунги акция ҳам қарияларимизнинг руҳини кўтарди. Ёшлар кенгаши томонидан 181 нафар қарияга турли совға-саломлар берилди. Байрамона безатилган кенг залда куй ва қўшиқлар янгради.

Тадбир давомида ёшлар иштирокида «Саховат» интернат уйи ободонлаштирилиб, дарахтларга шакл берилиб, йўлак ва ариқлар тартибга келтирилди. ***

Жиззах вилояти Зомин туманининг Ём қишлоғида жойлашган аёллар «Мурувват» уйида ҳам акция бўлиб ўтди. «Мурувват» уйи раҳбари Нишонбой Арабов эътибор учун самимий миннатдорлигини шундай ифодалади:

Ўз муҳбирларимиз



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Намунавий лойиҳадаги уй-жойларни тиклаш учун зарур бўлган қурилиш материалларини етказиб бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган йили Боёвут ва Сайхунбод туманларида йилга 10 миллион дона пишк гилт, Гулистон шаҳрида 8 минг дона темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ишга туширилди. Натijaда, бу каби иморатлар қуриш учун талаб этилаётган қурилиш ашёларининг 80 фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таъминлади. Бу, албатта, тикланаётган уйлар таннархи арзонлашишига, уларни белгиланган муддатда қуриб битказишга омил бўляпти.

сида ўтказилган 21 та бўш иш ўрни ва вакант лавозимлари ярмаркасида касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари томонидан 507 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Мурожаатларга жавобан...

Жорий йилнинг 20 августига қадар вилоят бирлашмасига корхона ва ташкилотлар, бошланғич касаба уюшма кўмиталари ва

салар таҳлил қилинди. Гулистон туман пахта тозалаш корхонасида 2 нафар жабрланувчига бир йўла тўланадиган 5 млн. 662 минг сўм миқдоридagi нафақа пулларидан 3 млн. сўм миқдоридagi маблағ Сирдарё вилояти КУТБ ММҚ бўлими ва агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси маъсул ташкилотчисининг аралашуви билан ҳисоб-китоб қилинган бўлса-да, қолган 2 млн. 662 минг сўми тўланмагани аниқланди.

«Сирдарёпахтасаноат» ОАЖнинг Сардоба, Боёвут ва Гулистон туманлари пахта тозалаш корхоналари бошланғич касаба уюшмалари кўмиталарида ўтказилган мониторинг ишлари натижалари Сирдарё вилояти КУТБ раёсатининг жорий йил 26 мартдаги йиғилишида муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Унинг ижроси таъминланиш назоратга олинди. 2012 йилда тўланмаган қолган нафақа пулларидан қарздорлик иш берувчилар томонидан тўла берилишига эришилди.

— Ўтган йил якуни бўйича «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказдик, — дейди бирлашма кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси У.Таниқулов. — Унда иштирок этишни истаган 40 дан ортқ корхона, ташкилот ва муассаса

нацияси бўйича Мирзаобод туманидаги 26-умумтаълим мактаби касаба уюшма кўмитаси, «Энг яхши тақдирот қилган бошланғич ташкилот» номинацияси бўйича эса Мирзаобод туманидаги Оқолтин гидромелиорация касб-хунар коллежи бошланғич ташкилоти голиб бўлди.

Иш ўрни — фаровонлик асоси

Жорий йилда вилоятда юзга яқин катта-кичик янги sanoat, ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилгани ҳам байрамга муносиб соғва бўлмоқда. Хусусан, Сирдарё тумани sanoatни ривожлантириш ва иш ўринлари яратиш бўйича воҳада муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирда вилоятда ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотининг 40 фоизга яқини мазкур туман ҳиссасига тўғри келади. Туманда жорий йилнинг биринчи чорагида тўртта йирик ишлаб чиқариш қувватининг фойдаланишига топширилгани, айна пайтада ўнга яқин катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг очилишига тайёргарлик қўрилаётгани эътирофга лойиқ.

Мазкур йилнинг март ойида фаолиятини бошлаган «BaxteksFarm» МЧЖда 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Жамият импорт ўрни босувчи тиббий боғлов ва гигиеник маҳсулотлар, шу билан бирга, калава ип ишлаб чиқаришга йўналтирилган ўнга яқин цехдан иборат. Инвестиция дастурига киритилган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 21,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг биринчи босқичдаги фаолияти учун 12,6 млн. доллар миқдорда инвестиция йўналтирилди. Цехларга Европа давлатларининг соҳада етакчи бўлган «Trutzscher», «This», «Oerlikon Schlafhorst» компанияларининг замонавий технологик асбоб-ускуналари ўрнатилди. Бунинг эвазига қисқа фурсатда корхонада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «BaxteksFarm»да иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, пахта, момиқ, тиббиёт бинти сингари қирқдан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Улар юртимиз аҳолиси ва тиббиёт муассасалари эҳтиёжини қондираётир.

Иш билан банд бўлганларнинг асосий қисмини касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади. Корхонада ишловчилар учун барча зарур шароит яратилган. 300 ўринли замонавий ошхона, дам олиш, ювниш хоналари, тиббиёт пункти ана шулар жумласидан. Бевоcита корхонанинг ўзида нон ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилган бўлиб, у ишловчилар эҳтиёжини қондириш бораборида шаҳар аҳолисини ҳам таъминлаётир.

Ханифа Раҳматова Нурматобод қишлоғида истиқомат қилади. Сайхунбод sanoat касб-хунар коллежини тамомлаган қиз мазкур корхонада меҳнат қилаётганидан мамнун. — Қишлоғимиздан 18 нафар касб-хунар коллежи битирувчилари бўлган қизлар мазкур корхонага ишга жойлашди, — дейди у. — Қўшни тумандан бўлишимизга қарамай ишга келиб-қетишимизда ҳеч қандай муаммо йўқ. Корхонамизда ишловчилар учун махсус автобулар ажратилган.

Ёшларнинг эътирофига, мазкур корхонанинг ишга туширилгани коллеж битирувчиларига қўллаб имкониятлар яратди. Чиндан ҳам, корхона иш бошлаган кезде Бахт энгил sanoat касб-хунар коллежи битирувчиларининг эзлик нафардан зиёди иш бошлаган бўлса, айна пайтада яна 50 нафар ёш мазкур корхонага ишга жойлашди учун ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Бундан ташқари, корхонада меҳнат қилаётганлар орасида Сайхунбод sanoat, Бахт энгил sanoat ҳамда Малик тиббиёт коллежи битирувчилари кўпчиликини ташкил қилади.

Лойиҳанинг кейинги босқичини амалга ошириш бўйича ишлар давом этаёпти. Натijaда, жамиятда йилга 60 млн. погон метр ҳамда ҳамда турли хил тибий боғлов маҳсулотлари, 3 минг тоннадан ортқ тиббий момиқ ва 2,6 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Яна 500 та янги иш ўрни яратилиб, маҳсулотни экспорт қилиш ҳамда ортади. Эътиборли жиҳатлардан яна бири, қисқа фурсат ичида корхонанинг ISO 9001:2008 халқаро сифат тизими сертификатини олганидир. Жамият фаолиятини кенгайтириш ҳамда лойиҳани тўлиқ молиялаштириш борасида «Узсаноатқурилишбанк» ОАТБ билан ҳамкорликда иш олиб борилаёпти. Бу ҳар томонлама ихобий самара бермоқда. Келгусида маҳаллий хом ашёлардан қўшимча халқаро СЕ сифат белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларни Европа бозорларида сотиш режалаштирилган.

Раъно МАҲКАМОВА, Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» муҳбирлари

Эл қорига яраш бахти

Сирдарё вилояти



декси талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат дафтараҷалари юритилиши ва ҳодимларнинг янги намунадаги меҳнат дафтараҷалари билан таъминланиши аҳолининг назорат қилиш мақсадида 143 та иш берувчига ёрдам кўрсатилди ва ҳамкорликда қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда 104 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилди. Унда кишлоқ ҳўжалиги соҳасида болалар меҳнатидан фойдаланмаслик, мажбурий меҳнатни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларни кенг оммага етказиш учун мавжуд қонун ҳужжатлари тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўловларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида 104 та иш берувчи ва 5391 нафар ходим ўртасида тушунтириш олиб борилди.

Қайд этиш жоизки, жорий йил биринчи ярмида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан 20025 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, амалда эса кўрсаткич ошиғи билан удаланди. Бандликка кўмаклашиш мақсадида янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторингини ўрнатилди. Шунга қўра, қисобот даврида касаба уюшмалари томонидан 63 та корхона ва ташкилотда 567 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилди, амалда вилоят sanoat салоҳиятини ошириш дастурига киритилган айрим корхоналарда манзилли дастурда белгиланган 28 та иш ўрни ташкил этилмаганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Дарвоқе, касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган «Хар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» мавзусидаги чора-тадбирлар ижтимоий химояга муҳтож фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари химоясини таъминлашда қўл келаетир.

Жорий йилнинг январь-июн ойларида Гулистон, Сардоба, Ховос, Сайхунбод, Мирзаобод, Сирдарё, Оқолтин туманлари ва Гулистон шаҳар бошланғич касаба уюшмаси кўмиталари раислари иштирокида 8 та ўқув-семинар ҳамда бошланғич касаба уюшма кўмиталари, корхона ва ташкилотлар иш берувчилари ҳамкорлигида 18 та давра суҳбати, умумий йиғилишлар ташкил қилинди.

Касаба уюшмалари томонидан маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни тарбиялашга ҳисса қўлишига алоҳида аҳамият қаратилган бўлиб, шу мақсадда 687 та бошланғич ташкилотда ёшлар орасида жиноятчилик, безорилик, ичкилик ва гийҳвандликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ташкил этилди. Жорий йилнинг ўтган ярмида бирлашма бюджети ҳисобидан 159 дона йўлланма тарқатилди. Ижтимоий сугурта бюджети ҳисобидан эса режа бўйича 164 нафар меҳнатқашни санаторийларда даволаш кўзда тутилгани ҳолда, амалда 185 дона йўлланма меҳнатқашларга имтиёзли равишда берилди.

фуқаролар томонидан 14 та оғзаки ва 2 та ёзма, «Ишонч телефонлари»га эса 64 та мурожаат бўлди. Уларга тегишли жавоб ва кўрсатмалар, амалий ёрдамлар берилди.

Мисол учун, Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро, меҳнат жароҳати бўйича III гуруҳ ногирони Ҳасан Собировнинг ишга тиклаш бўйича 2013 йил 28 мартда бирлашмага қилган мурожаати мутахассислар томонидан ўрганилди. Жамият иш берувчиси билан олиб борилган музокаралар натижасида Х.Собиров «Гулистон-ёғэкстракт» ҲЖга ишга тикланди.

Жорий йилнинг 14 майида Гулистон тумани «Уч қаҳрамон» СИУда истиқомат қилувчи фуқаро, II гуруҳ ногирони Юлдош Турматов 1988 йилда касб касаллиғига чалиниши оқибатида унга ойма-ой тўланадиган зарар пули нотўғри тўланаётгани тўғрисида мурожаат қилган. Ушбу ариза Бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси Гулистон туман бўлимида Ю.Турматовнинг пенсия иши ҳужжатлари асосида кўриб чиқилди. Фуқаро Ю.Турматовнинг манфаатини химоя қилиш юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд ишида фуқаро Ю.Турматовнинг ҳуқуқий манфаати химоя қилинди ва унинг соғлиғига етказилган зарар пулларининг ҳисобланишига аниқлик киритиш бўйича суд иши эксперти комиссияси тайинланди. Хусусида қарор қабул қилинди.

Назорат ва натижа

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фармойишига асосан 14-22 март кунлари Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмалари тизимидаги «Сирдарёпахтасаноат» ОАЖнинг Сардоба, Боёвут ва Гулистон туманлари пахта тозалаш корхоналари бошланғич касаба уюшма кўмиталарида, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлиси ва Раёсати қарорлари ижроси бўйича мониторинг ўтказилди.

Гулистон ва Сардоба пахта тозалаш корхоналаридаги 2012 йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда юз берган бахтсиз ҳо-

ҳамда уларнинг бошланғич касаба уюшма кўмиталарига, танловнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва унинг шартлари тўғрисида тушунтириш, амалий ва услубий ёрдамлар берилди. Корхона, ташкилот, муассасалардан тушган 27 та «Ахборот картаси» қабул қилинди. Вилоят босқичи якунида голиб деб топилган тармоқлар кесимидаги 15 та корхона, ташкилот ва муассаса аниқланди. Уларга пул мукофоти, 1-, 2-, 3-даражали дипломлар ва хона мебеллари тақдим этилди. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Энг намунали бошланғич ташкилот

Гулистон шаҳрида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят бўйича якуний босқичи ўтказилиб, турли тармоқ вакилларида 132 нафар иштирокчи фаолиятга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Танлов якунига қўра, Ховос туманидаги 9-мактаб, вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими, Ховос туман Ободонлаштириш бошқармаси, Мирзаобод туманидаги Оқолтин гидромелиорация касб-хунар коллежи, Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмиталарига 1-даражали диплом ва хона мебелли топширилди.

Боёвут туманидаги 40-мактаб, ОАТБ «Қишлоққурилишбанк» Сирдарё минтақавий филиали, Боёвут туманидаги Энгил sanoat касб-хунар коллежи, «Гулистонэкстракт» ҳиссадорлик жамияти ва Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилотлари 2-даражали диплом ва хона жиҳозлари билан мукофотланди.

Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Гулистон туманидаги Бешбулоқ маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ҳамда Янгйер шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма кўмиталари эса 3-даражали диплом ва компьютер стол-стули билан рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот» номи-




**«Building Materials Production and Trading Group» МЧЖ қўшма корхонаси
маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти**

**Бунёдкор халқимизни
истиклолнинг 22 йиллиги билан
самимий қутлайди.**

**Дориломон кунлар шукуҳи
ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин.**

**Қалбларимизни эзгулик ва
гўзаллик ҳеч қачон тарк
этмасин!**

**Навий вилоят касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши жамоаси**



Юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг
22 йиллиги муносабати билан муборакбод этади.
Доимо осмонимиз мусаффо, турмушимиз фаровон
бўлсин. Меҳр-оқибат, эзгу-саховат тафти етиб
бормаган бирорта хонадон қолмасин! Бир-
биримизга бахт улашиб яшаш истаги
кўнгилларимизни ёритиб турсин!

**«ОҚТОШДОН» ОАЖ
маъмурияти ва жамоаси**


Мамлакатимиз
мустақиллигининг
22 йиллик байрами
муносабати билан
Сиз азиз юртдошларни
самимий табриклайди.
Кўнгилларимиз доимо
меҳр-оқибат ва
яхшиликка ошуфта
жўш ураверсин!

**«Gissarneftgaz» масъулияти чекланган
жамияти қўшма корхонаси маъмурияти
ва касаба уюшма қўмитаси**

*1 сентябрь – Мустақиллик байрами
билан барча-барчани муборакбод этади.*

*Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган барча
фидойи инсонларга бахту инқоб тилайди.*

Осмониимиз доимо мусаффо бўлсин!





сида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти, мусиқа таълими изчил ривожлантирилмоқда.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ниҳол», «Келажак овози», «Янги авлод», «Марду майдон» каби кўрик-танловлар мамлакатимиз ёшларининг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилаётди.

«Асрлар садоси» халқаро фестивали халқимиз маънавий мероси ва замонавий санъат уйғунлигини жаҳон узра намойиш этмоқда.

Мусиқа, оҳанг, тарона тили, дини ва урф-одати турлича бўлган барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган қудратли воситадир.

юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

Ушбу фестивал янги номларни кашф этиш, санъат ва санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, аynи чоғда миллий мусиқа санъатимизни, мамлакатимиз тараққиёти ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишда муҳим омили бўлмоқда.

Фестивал санъаткорларнинг ижодий изланиши, ўзаро фикр ва таъриб аламишида ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Анжуман доирасида ўтказиладиган турли маданий тадбирлар, «Шарқ мусиқа аъёнлари замонавий маданият тизимида» мавзусидаги илмий конференция бунинг учун кенг имконият яратади.

Фестивал қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий сахнадан ташқари, ша-

Сўз – фестивал иштирокчиларига

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан санъат намояндалари, мусиқашунослар ва бадий жамоалар Самарқандга ташриф буюрди. Улар вилоятда мустақил йилларида бунёд этилган иншоотлар, тикланган ва янада чирой очган тарихий обидалар билан танишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – ЎТМИШИ БОЙ, БУГУНИ ФАРОВОН, ЭРТАСИ БУЮК МАМЛАКАТ

Давид ХЕБЕРТ, Берген университети профессори (Норвегия):

Кўплаб халқаро маданий анжуманларда иштирок этганман, бироқ мамлакатимизда юксак савияда ташкил этилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали кўрганларим ичида энг аълодидир. Фестивал турли миллатлар санъатлари намойиши асосида халқларни ягона мақсад йўлида бирлаштираётгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Нобутака САТО, «Чикуюшо» гуруҳи ижрочиси, (Япония): Японияда мустақам мавқега эга етти кишилик гуруҳимиз билан жуда узоқ тарихга эга соз — Шахўҳчи миллий созини чалиб келамиз. Бу соз илк бор 1300 йил муқаддам чалинган.

Япония билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган мустақам ҳамкорлик ва дўстлик ришталари қарор топган. Мамлакатларимиз бугун маданият ва санъат йўналишларида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Осаускас РЕМИГИЮС, Йонава шаҳри вице мэри (Литва): Ўзбекистонга илк бор келишим. Мазкур фестивал ҳақида аввал ҳам эшитган эдим. Бирок унда бевосита иштирок этиб, иштирокчилар сони ва жүрғофияси билан танишиб, тўғриси, жуда ҳайратландим.

Диабат ДАУДА, «Ланая» мусиқачилар гуруҳи аъзоси (Буркина Фасо): Мазкур йирик халқаро фестивалда илк марта иштирок этаймиз. Миллий аъёнлар ва замон руҳини ўзида мужассам этган ушбу санъат байрами Ер юзидagi турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилишларини ифода этиб, инсонларнинг дустна ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик воситасига айланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

«Шарқ тароналари» фестивали бахонасида Самарқанднинг оламга машҳур осори-атиқаларини томоша қилиш бахтига мусар бўлаётганимиздан жуда хурсандим.

Ирода УМАРОВА, Анавар САМАДОВ, Голиб ХАСАНОВ, Ўза махсус мухбирлари Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ўза мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Санъат ва дўстлик фестивали


(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Комил Хоразмий Хоразм нотасини ихтиро қилиб, «Рост» мақомининг дебючасини ушбу нотага туширган. Унинг «Танбур чизиклари» асарига миллий мусиқамиз тарихи ва назарисига оид қimmatли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг барча соҳаси қатори мусиқа ва кўшиқчилик санъати ҳам юксак даражада ривожланган. Самарқандда ўз даврининг энг машҳур созанда ва хонандалари, шоирлар жам бўлган, мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилган.

Самарқанд, Регистон майдони. 27 август, соат 19.00. ...Қадим миноралар, ниллий гўмбазлар ранго-ранг чироқлар ёғдусида жиловланади. Улугвор обидалар қалбаларга байрамон рух, анжуманга шухўҳ бағишлайди.

Самарқанд, Регистон майдони. 27 август, соат 19.00. ...Қадим миноралар, ниллий гўмбазлар ранго-ранг чироқлар ёғдусида жиловланади. Улугвор обидалар қалбаларга байрамон рух, анжуманга шухўҳ бағишлайди.



вал қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, мусиқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, чет эллик журналистлар, сайёҳлар бор.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримовни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини кутлар экан, мазкур фестивалнинг мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини, Президент Ислол Каримов томонидан

асос солинган «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини таъкидлади.

Мусиқа садолари остида мухташам сахнага фестивал қатнашчилари — 52 мамлакат санъаткорлари кириб келди.

Кенглик йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш божурада улкан ишлар амалга оширилди. Бойсун фольклори, Шамақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номодий мероси рўйхатида киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асо-

стади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотди.

«Шарқ тароналари»нинг мазмун-моҳиятида ана шундай умуминсоний қадриятлар мужассамлиги боис ҳам бу фестивал дунё жамоатчилиги эътиборини тобора кенг қозонмоқда.

Фестивал жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиват ўрин эгаллади. Кўплаб мамлакатлар, халқаро маданият ташкилотлари, машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА, Анавар САМАДОВ, Голиб ХАСАНОВ, Ўза махсус мухбирлари Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

Тўйга тўёна

Байрам руҳи кайфиятимизга кўтаринкилик бағишламоқда. Ҳар бир ташкилотда энг улуг, энг азиз байрамимиз муносиб кутиб олинапти.

Қувончларга тўла бу дунё

Биз ҳам айни кунларда ҳар бир аъзонинг тўлақонли фаолият юритиши, ўз устида ишлаши билан бир қаторда, кўнгилли ҳордик чиқариши, маънавий дам олиши ҳамда спорт билан шугулланиши учун барча имкониятларни ишга солаётимиз.

Мустақилликнинг 22 йиллигига бағишлаб тармоқ касабга уюшмалари бўйича вилоятда ўтказилган мини-футбол мусобақасида жамоамизнинг фахрли учинчи ўринини кўлга киритгани эса янада байрамон қувонч тўхта этди.

Байрам совғалар билан гўзал. Жамоамизда ташкил этилган тадбирда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунёдбек ҚУРБОНБОВ, Республика шохилинг тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали касабга уюшма раиси

Реклама ва эълонлар

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 17 сентябр куни соат 15.00да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган такрорий «Очик аукцион» савдосига Фарғона Касаба уюшмалари Ташкилотлари Бирлашмаси Кенгашининг 1997 йилда и/ч, д/р 40/865DAA, «Daewoo Tico» русумли, бошланғич баҳоси 6 690 000 сўм ҳамда 2003 йилда и/ч, д/р 40/986 LAA, «Daewoo Nexia» русумли, бошланғич баҳоси 8 184 000 сўм бўлган ҳамда Коинот Болалар Соғломлаштириш масканига қарашли 1988 йилда и/ч, д/р 15/B927-ТМ3 540302» русумли, Мотонаклиет бошланғич баҳоси 1 282 000 сўм бўлган кўйидаги автотранспорт воситалари кўйилади.

Тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тўзати. Талабдорлардан аризалар ҳар куни (даволатлик кунларидан ташқари) соат 11.00дан 17.00гача Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй, «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг Фарғона вилояти филиалида ва Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг марказий идорасида қабул қилинади.

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг, ЧЭКИ ОАТ «Савдогар банк» Фарғона вилояти бўлими, МФО: 00500, СТИР:302477464, 20208000605015685004 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт ва кўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Аукцион савдосида қатнашиши учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ Фарғона вилояти филиалларида 2013 йил 23 июлдан 31 августгача очик аукцион савдоларида сотилган мулклари тўғрисида маълумот. Фарғона вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига қарашли 1996 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 40/379 SAA автомашина бошланғич баҳоси 4 350 000 сўм, сотилиш баҳоси 5 400 000 сўм, 1998 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 15 АВ 070 автомашина бошланғич баҳоси 4 650 000 сўм, сотилиш баҳоси 5 400 000 сўм, 1996 йилда и/ч, «Дамас» р-ли, д/р 40/863 DAA автомашина, бошланғич баҳоси 10 600 000 сўм, сотилиш баҳоси 12 300 000 сўм. Соғлиқни сақлаш ходимлари вил К.У. -Кга қарашли 2008 йилда и/ч, «Лада-11183-114-30» русумли, д/р 40/909 ВАА автомашина, бошланғич баҳоси 13 800 000 сўм, сотилиш баҳоси 16 000 000 сўм, «Ўзбек-телеком» АК Бухоро филиалига қарашли 1996 йилда и/ч, «ВАЗ-21053» р-ли, д/р 80/982GAA ав-на, бошланғич баҳоси 3 086 673 сўм, сотилиш баҳоси 3 410 000 сўм.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi logo and name.

Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmudaliyev, Oksana Belasova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43, Reklama va e'lonlar - 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Naybati muharrir: A. Abdullayev, U. Ibodinov, S. Shodiyeva. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.